



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 2 март, № 42 (4957)

Сешанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Б. Ю. Ходиевни Ўзбекистон  
Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири лавозимига  
тасдиқлаш тўғрисида**

Баходир Юнусович Ходиев Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 1 март

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Ж. Г. Исмоиловни Ўзбекистон  
Республикаси Монополиядан  
чиқариш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитаси  
раиси лавозимига  
тасдиқлаш тўғрисида**

Жаҳонгир Гафурович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 1 март

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**А. А. Абдуҳақимовни Ўзбекистон  
Республикаси Давлат мулкни  
бошқариш давлат қўмитаси раиси  
вазифасини бажарувчи лавозимига  
тасдиқлаш тўғрисида**

Азиз Абдуҳақорович Абдуҳақимов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлансин, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 1 март

## ХУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Цутому Хираока 1 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, маданият соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуваридида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Япония мамлакатимизда амалга оширилётган кенг қўламли ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаб келаётган. Мамлакатларимиз ўртасида

маданият соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистон — Япония археологик экспедицияси Сурхондарё вилоятининг Қора-тепа, Кампиртепа ва Далварзинтепа ҳудудларини тадқиқ қилиш бўйича катта муваффақиятларга эришмоқда.

Музокарада ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида III республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси иш бошлади. У Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Фанлар академияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

### Ярмарка

Ярмарканинг очилиш маросимида таъкидланганидек, аънавий ўтказиб келинаётган мазкур тадбир иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида интеллектуал салоҳиятдан оқилона фойдаланиш имконини янада кенгайтирди. Нега деганда, юртимиз олимлари тадбир асосида илғор инновацион ишланма ва лойиҳалар, замонавий қурилма ва технологияларни намойиш этиш билан кифояланишмайди, балки шу ернинг ўзида саноат корхоналари билан кооперацион алоқага киришадилар. Шу маънода, у қисқа давр ичида интеллектуал мулкнинг ҳақиқий бозорига айланиб улгурди, дейиш мумкин. Ўтган тадбирларда 740 та шартнома имзоланиб, бугунга қадар унинг 182 таси тўлиқ ўзлаштирилгани, қолганларига оид ишлар жадал олиб бо-



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

рилаётгани бунинг яққол далилидир. Натيجада 16 турдаги дори воситасини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди, 14 та корхонада импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қўллаб қорхоналарда замонавий технологияларнинг қўлланиши туфайли сарф-харажатлар кескин камайиб, ишлаб чиқариш жараёни такомиллаштирилди. Бу эса ички ва ташқи бо-

зорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилаётган.

(Давоми 2-бетда).

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ҳузурида “Ижод” фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги қарорини мамлакатимиз адабий жамиятилик, биринчи навбатда, биз ижодкорлар халқимиз маънавиятини юксалтириш, адабиётимиз раванқи йўлидаги юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси сифатида қабул қилдик.

Президентимизнинг маънавиятга, айниқса, адабиёт ва қалам аҳлига бўлган эътибору ғамхўрлиги — жамиятимиз ва ёш авлодини ватанпарварлик, миллий қадриятларга садоқат руҳида камол топтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларнинг ажралмас қисми бўлиб келаётганлиги, мазкур қарор ушбу йўналишдаги ишларимизнинг рўйида биз, ижодкорларга янада катта масъулият юклашни алоҳида таъкидлаш керак. Зотан, ижод аҳли учун муносиб шарт-шароит ва имкониятлар яратилишининг ушбу вазифаларни бажаришда нечоғли муҳимлиги ҳаммамизга маълум. Шу маънода, қарорда ижодкорларимизнинг маънавий шароитларидан тортиб, сиҳат-саломатлигига назардан четда қолмагани, бу борада белгилаб қўйилган кенг қўламли амалий ишлар, шунингдек, ёш ижодкорларга эътибор, ёш истеъодларнинг илк китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам

қўрсатишга қадар ўз аксини топгани ҳаммамизни беҳад қувонтиради. Ёзувчилар уюشمаси қошида “Ижод” фондидининг ташкил этилиши, шак-шубҳасиз, шу йўналиш

### Муносабат

даги барча кенг қамровли ишларимизни мувофиқлаштиришда ва тартибга солишда катта аҳамият касб этади.

Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоладаги: “Ёзувчилар уюشمаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим биринчи масала ижодкор ўзининг ижтимоий бурчинини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адабнинг сўзи, унинг ижодий меҳнатининг маҳсули жамият тараққиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало, шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адаб-

ларнинг ўзи яхши англаб олиши керак”, деган сўзлари ҳам зиммамиздаги масъулият ва вазифаларимизнинг нечоғли залворли эканини кўрсатиб турибди.

Биз истиқлолимизнинг биринчи йили — ҳазрат Алишер Навоий йилидан шу бугунга қадар амалга оширилган оламшумул ишларнинг шохидимиз. Мана, Баркамол авлод йилида янада улкан янгиланишлар бўсағасида турибмиз. Албатта, ўн тўққиз йил давомида она-Ватанимизда рўй берган ўзгаришлар ўзининг қўламини ва теран мазмун-моҳияти билан ҳаммамизни ҳайратга солиб келаётган. Шундай экан, замон ва давр, азиз халқимиз биздан баъдий юксак асарлар кутаётгани табиий ҳол. Эро, бугун адабнинг жамият олдидаги бурчи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон бахти ва саодати учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилаётган нурфшон давримизда ватанпарвар, фидойи, аҳлида собит қаҳрамонлар бениҳоя кўп. Уларнинг орзу-интилошлари, халқимиз манфаати йўлидаги эзгу ва хайрли ишлари баъдий асарларда ўз ифодасини топиши зарурлигини биз, адаблар, умуман, барча ижод аҳли юракдан ҳис этмоқдамиз. Шу маънода, “Ижод” фондиди ташкил этиш тўғрисидаги олиймақом ҳужжат барчамизни янгидан-янги асарлар яратишга даъват этади.

Пиримқул ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Жуманиёз ЖАББОРОВ,  
Тўлан НИЗОМ,  
Ўзбекистон халқ шоирлари.

Тожикистоннинг Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича тугатган йўли кенг жамоатчиликни ўйга толдиримоқда. Негаки, ушбу масала нафақат бир мамлакат тақдирига боғлиқ, балки Марказий Осиё минтақасида жойлашган барча халқлар ҳаётига бевосита дахлдордир.

## БАРЧАМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛА

Мазкур иншоот қурилишини давом эттиришдан аввал лойиҳанинг ўзини батафсил мустақил экспертизадан ўтказиш зарурлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Тожикистон Республикаси ҳукуматига, Россия Федерацияси ва халқаро ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилган. Сабаби, ушбу лойиҳа бундан қарийб 40 йил олдин — эскирган лойиҳавий, конструкторлик ва технологик ечимлар асосида ишлаб чиқилган. Демак, унинг бугунги кун талабига мос келишини аниқлаш, барпо этилиши мудҳиш оқибатларни келтириб чиқармаслигини кафолатлаш учун, албатта, мустақил экс-

### Мулоҳаза

пертизанинг ҳолисона ҳулосаси, баҳоси керак бўлади.

Мамлакатимизнинг ушбу масала бўйича позицияси тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Исломо тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, шунингдек, Россия Федерацияси ва унинг кенг жамоатчилиги ҳамда бошқа мамлакатлар томонидан қатъий қўллаб-қувватланганлиги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёевнинг яқинда матбуотда эълон қилинган, Тожикистон Бош вазири О. Ғолимов номига йўллаган мактубида ҳам алоҳида қайд этилган.

Маълумки, минтақамизда юзага келган заиф экологик мувозанат, мунтазам тақорларнинг турадиган сув тақчиллиги, техноген хусусиятга эга таҳдидлар хавфи юқорилиги ошқоқча изох талаб қилмайдиган ҳолатлардир. Шунинг учун ҳам бир иш аввалда, халқимиз тили билан айтганда, “етти ўлчаб, бир кесмоқ” лозим.

1989 йилнинг 23 январь эрта тонгиди Тожикистон Республикасининг Ҳисор райониди рўй берган офат ҳали кўпчиликнинг хотира-сидан кўтарилмаган бўлса керак. Уша маълум тонгди Оққўли-боло, Оққўли-паён, Ҳаёти нав, Биринчи Май, Қорапичоқ, Шарора қишлоқларида содир бўлган қучли ер қўқибиси тинч аҳоли вакиллари бошига оғир мусибат келтирган эди. Журналист сифатида бевосита офат юз берган қишлоқларда бўлганим, талафот қўламини ўз кўзим билан кўрганим учун бугун Роғун ГЭСи қурилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ҳақидаги хавотирлар нечоғли асосли эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ

халқаро микёсда доимо алоҳида эътироф этилмоқда

Ўн тўққиз йиллик истиқлол даври. Мамлакатимиз шу тарихан қисқа вақт мобайнида мустақил ички ва ташқи сиёсий муносабатларни аниқ белгилаб олиш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бугунги кунда уларнинг фаолиятида самарали иштирок этиб, ўз ташаббуслари билан дунё сиёсий жамоатчилигининг алоҳида эътирофига сазовор бўлмоқда. Жаҳондаги энг йирик ва тинчликпарвар ташкилот саналимиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — шулардан бири.

БМТ ҳақида тўхталмишдан аввал, бир жихатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Республикаимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларининг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, бахтли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланган. Бу Конституцияимизнинг

### 2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

17-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур тамойилларга қатъий амал қилиш, шунингдек, дунё микёсда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро гуманитар-

маданий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-харажатлари туфайли бугун юртимиз жаҳон сиёсий майдониди муҳим аҳамиятга эга давлатлар қаторидан жой олди.

(Давоми 2-бетда).

## ЗАМОНАВИЙ, ИЛҒОР ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

шарофати билан нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш жараёни такомиллашмоқда

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижда ҳар йили импорт ўрнини босувчи қўллаб-қувватлаш маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Энг муҳими, замонавий технологиялар шарофати боис электр энер-

гияси, табиий газ каби моддий ресурслар тежаллиб, ишлаб чиқариш суръати тобора ортиб бораётган. Бу жараёнда Президентимизнинг 2009 йил 12 мартдаги “2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда, албатта.

Мазкур ҳужжат ижроси бўйича “Ўздон-маҳсулот” акциядорлик компаниясида изчил тадбирлар амалга оширилди. Буни юртимиз аҳолисини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).



ЖАҲОН 24 соат ичида Кетма-кет зилзила

Ўтган ҳафта сўнггида Чилида кетма-кет икки бор кучли зилзила содир бўлди.

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, шанба куни рўй берган дастлабки ер силкини Рихтер шкаласи бўйича 8,8 баллни ташкил этган. Кейинги табиий офат кучи эса 6,2 баллга етган.

Хозирча қурбон бўлганлар сони 700 кишидан ошганлиги айтилмоқда. Бундан ташқари, 1,5 миллион атрофидаги бинолар вайронага айланган. Қидирув-қутқарув ишлари ниҳоясига етказилган, расмий маълумот эълон қилинади.

Хунрезлик оқибати

Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида автомобилга ўрнатилган автоловчи қурилманинг ҳаракатга келтирилиши фожиага сабаб бўлди, дейилди "Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабарида.

Кўпуровчилик натижа-сида 3 киши ҳаётдан кўз юмган. Қузатувчилар фикрича, қабиҳлик "Толибон" кучлари томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин. Воқеага аниқлик киритилмоқда.

Энг яхши осмонўпар бинолар

Германиянинг "Emporis" кўчмас мулк ташкилоти жаҳоннинг 2009 йилдаги энг яхши осмонўпар иншоотлари номини эълон қилди.

"The Independent" газетасининг ёзишича, Чикагодаги 81 қаватдан иборат "Aqua" мажмуаси ўтган йилнинг "Энг яхши осмонўпар биноси" деб топилган. Танлов комиссияси аъзолари 250 метрли бинонинг ўзига хос дизайнини алоҳида эътироф этган.

Рейтингда иккинчи ўрин Бирлашган Араб Амирликларидаги 23 қаватли "0-14", учинчи поғона эса Таиланддаги 69 қаватдан иборат "The Met" мажмуасига насиб этди. "Emporis" бу танловни 2000 йилдан буён ўтказиб келади.

Музейда ноёб асар

Нидерландиядаги "Зволле" музейига таниқли рессом Винсент Ван Гогнинг ҳали ҳеч қерда намойиш этилмаган асари қўйилди.

Ушбу сурат "Тегирмончи Ле Блут-фин" деб номланади. Манбада келтирилишича, уни музей директори Зволле Дирк Ханнем 1975 йилда харид қилиб олган. Картина шу пайтгача Ханнемнинг шахсий коллекциясида сақланиб келинаётган экан.

Довул давом этмоқда

Европанинг гарбий ҳудудларида рўй берган "Ксинтия" номли довул катта талафотларни келтириб чиқарди.

Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатган. Унинг оқибатида 52 киши қурбон бўлган. Францияда эса бир миллион киши электр мандайдан узилиб қолган. Мамлакат ҳукумати табиий офатдан зарар кўрган аҳолига ёрдам тариқасида 1 миллион евро маблағ ажратди.

Довул Франция ва Испаниядан Германия, Бельгия ҳамда Нидерландия мамлакатлари томон йўналиш олган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бугун жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган энг муҳим муаммолардан бири, шубҳасиз, ҳали-ҳануз давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироздир. Айни пайтда қайси бир газета саҳифасини varaқламанг, интернет, телевидение ёки радиони кузатманг, барчасида таназулнинг салбий оқибатлари хусусида чиқишлар, уни бартарф этиш чоралари ҳақида фикр-мулоҳазалар мунтазам бериб борилаётганига гувоҳ бўласиз.

РИВОЖЛАНИШ Пойдевори

Масалан, "Франс пресс" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири сабаб, Германияда ўтган 2009 йилда экспорт ҳажми 18,4 фоизга пасайган. Импорт миқдори ҳам аввалги йилдагига нисбатан 17,2 фоизга қисқарган.

Яқинда Швейцариянинг Давос шаҳрида қирқдан ортиқ давлатнинг 2500 нафардан зиёд ишбилармон ва сибсатчилари иштирок этган Бутунжаҳон иқтисодий форумида ҳам асосий эътибор дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий танглиқдан чиқиб масаласига қаратилди. Шу мавзуда 200 дан ортиқ мажлислар ўтказилди. Зотан, юзга келган вазият АҚШ, Европа ва Осиёдаги йирик банклар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Инқироз гирдобига тушиб қолаётганлар сафи эса тобора кенгайиб бораётган.

Форумда ҳукуматлар дунё миқёсидаги молиявий инқироздан чиқиб унун катта миқдорда маблағлар ажратяётгани, бу ҳаракат бундан кейин ҳам давом эттирилиши зарурлигини таъкидлади. Хусусан, бир вакил инқироз "соя" ташлаб турган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш хусусида фикр билдирган бўлса, бошқа бир иштирокчи молиявий бошқаруving янги тизимини ишлаб чиқиб турганида тақлифни ўртага ташлади. Ажабланирлиси, тadbир ана шундай қизғин баҳс ва мунозараларга бой ўтган бўлсада, яқинда ҳеч қандай келишувларга эришилмади.

Молиявий-иқтисодий инқироз, айниқса, банклар фаолиятига жиддий таъсир ўтказмоқда. Натижада шундоқ ҳам ноҳар аҳволда турган айрим молия муассасалари иши янада сусайди. Масалан, Американинг йирик банкларидан бири — "Citigroup" ўтган йилнинг туртинчи чорагини 7,6 миллиард АҚШ доллари миқдорига зарар билан яқунлади. Изоҳланганича, молия муассасаси ҳукуматдан ёрдам тариқасида олган пулларини қайтариш эвазига шундай ҳолатга тушган. Европадаги яна бир етакчи молиявий муассаса — "HSBC" шу кунларда Буюк Британия филиалида меҳнат қилаётган 1,2 минг ходимини ишдан бўшатилган. Хабарларга қараганда, молия муассасаси инқироз туфайли сўнгги ойларда катта миқдорда зарар кўрган. Шу боис иш ўринларининг қисқариши эвазига бир неча миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағни тежаш режалаштирилмоқда.

Молиявий-иқтисодий инқироз глобал муаммога айлиниб улгурган бир пайтда юртимизда

амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли улкан муваффақиятларга эришиляётган. Бунда, табиийки, Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари

Шарҳ

ри ва чоралари" китобида қайд этилган вазифалар ҳамда шу асосда ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, бир қатор молия муассасаларининг капитал базаси кўпайтирилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Қувонарлиси, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган машур беш тамойил асосидаги изчил ислохотлар глобал инқирозга қарши самалари тadbир сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этиляётган.

Шу ўринда фикримизни "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида давом эттирсак. Гап шундаки, республикамиз молия тизимида энг ёш ҳисобланган ушбу банкнинг иш кўлами Президентимиз томонидан 2008 йил 10 ноябрда имзоланган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тadbиркорлик

субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг янги бошқичга қўтарилди. Яъни, Фармонга муво-

РИВОЖЛАНИШ Пойдевори

фиқ, унинг низоми жамғармаси 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, 150 миллиард сўмга етказилди. Қолаверса, тadbиркорликни бошлаш учун бериладиган имтиёзли микрокредитлар фоизи 5 дан 3 га, кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағни тўлдиритиш учун ажратилган микрокредитлар фоизи 14 дан 7 фоизга ҳамда микролизинг хизматлари учун тақдим этиладиган маблағлар фоизи эса 7 дан 5 фоизга туширилгани унинг бу борада ихтисослашган банк сифатида шаклланишига асос бўлди. Молия муассасаси томонидан ўтган йил давомида 90,8 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди, бу эса аввалги йилдагига нисбатан 1,6 баробарга кўлди. Энг муҳими, банк миқозлари сони 170 мингга етиб, 90 минг нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Чиндан ҳам, республикамиз

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, инқироз оқибатида дунёнинг асарият банкларига омонатчилар ўз маблағларини қайтариб олишга уринаётган бўлса, республикамизда бу борада ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. 2009 йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробарга ошгани бунинг яққол далилидир. Дунёнинг йирик-йирик молия муассасаларини мураккаб вазиятга солиб қўяётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бундай ихобий натижаларга эришиш тахсинга лойиқдир.

Дилшод УЛУГМУРОВОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎГРИСИДА 2010 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН 26 ФЕВРАЛГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

